

# Ақийда дарслари (198-дарс) Фаришталарнинг вазифалари (биринчи мақола



00:00 / 30.08.2022 4416

Қуръони Каримда фаришталарнинг баъзи вазифалари ҳақида маълумотлар келган. Биз учун бу масалада ояти карималар асосий манбадир. Келинг, мазкур оятлардан баъзиларини ўрганиб чиқайлик.

1. Фаришталар Аллоҳ таолонинг каломи ва ҳукмини У Зотнинг бандаларига етказиш вазифасини бажарадилар.

Аллоҳ таоло Шуаро сурасида:

نِيْمَالِ اِحْوَالِ رَلَّوْ بَلَزَنْ  
نِيْرْدَنْ مَلَان مَنُو كَتَل كَبَلَقِ عِلَع

**«Уни Рухул Амийн олиб тушди сенинг қалбингга, огоҳлантирувчилардан бўлишинг учун. Очиқ-ойдин араб тилида»,** деган (193-194-оятлар).

Ушбу ояти каримадаги «Рухул Амийн» деганда Қуръони Каримнинг бошқа жойларидаги каби, фаришта Жаброил алайҳиссалом назарда тутилмоқда; «огоҳлантирувчилардан» дегани эса «пайғамбарлардан» деган маънони билдиради.

Яъни «Эй Муҳаммад, Қуръонни Жаброил сенинг қалбингга пайғамбарлардан бўлишинг учун равшан араб тилида олиб тушди».

Аллоҳ таоло Ғофир сурасида:

اُولَدَا جَوْوُ وُوْدُخِ اَيْلٍ مَّوَلُو سَرَبِ رَّبِّ مُمَّا لُكُ تَمَّو مَّوَدَّعَب نَمُّ بَا زَحَّ اَلْ اَوْحُوْنُ مَّوَقُ مَّوَلَبَقُ تَبَّ دَك  
بَا قَعَا نَا كَفَا فَيَا كَفَا مَّوَدَّعَب اَفَّ قَحَّ لَوْب اَوْضَحُّ دِي لَل طَابَّ اَبَّ اَب

**«У даражаси юксак, арш эгаси бўлган Зотдир. У Ўз амри ила бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга мулоқот кунидан огоҳлантириши учун руҳни туширур»,** деган (5-оят).

Аллоҳ таоло даражаси юксак Зотдир. Унинг даражасига яқин келадиган ҳеч бир зот йўқдир. Аллоҳ таоло Арш эгасидир. Шунинг учун ҳаммадан устун ва ҳаммага ҳукмини ўтказувчидир. У Зот нимани хоҳласа, шуни қилади. Унинг хоҳишига ҳеч ким тўсиқ бўла олмайди.

**«У Ўз амри ила бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга мулоқот кунидан огоҳлантириши учун руҳни туширур».**

Мулоқот – учрашув кунидан мурод қиёматдир. Рухдан мурод эса ваҳий ва уни олиб келувчи фариштадир. Даражаси юксак, Аршга эга бўлган, хоҳлаган ишини қиладиган Аллоҳ таоло Ўзи истаган бандасини пайғамбар қилиб, танлаб олади. Ўша бандага руҳни – ваҳийни туширади.

Мутавотир ҳадисларда ваҳийни олиб тушиш вазифаси фаришталарнинг улуғларидан бири Жаброил алайҳиссаломга топширилгани таъкидланган.

2. Фаришталар Аршни кўтариб туриш вазифасини адо этадилар.

Аллоҳ таоло Ал-Ҳааққо сурасида:

مُهِّنَّا كَيْعَرْصَ اِهْيَافَ مَوْوَلِا ىرَتَفَ اَمُوسُحِ مَّيَا ؕ ؕيَنَامَ تَوَلَّوْا لَّيْلَ عَبَسَ مَّهْيَلَعِ اَهَّخَّسَ  
ءَيَّوَاخِ لَخَّ نُّزَاخِعَا

**«Ва фаришталар унинг атрофида ва ўша Кунда Роббингнинг Аршини саккизтаси кўтариб турадилар», деган (7-оят).**

Яъни Аллоҳнинг Аршини саккизта ёки саккиз турли фаришталар кўтариб турадилар.

3. Фаришталар жаннат ва унинг аҳлининг хизматини қилиб турадилар.

Аллоҳ таоло Зумар сурасида:

مُهَلَّ لَاقُو اَهُبَاوْبَا تَحْتُفَ وَاَهُوْوَاجِ اِذِا ىتَحَ اَرْمَزَةَ نَجَّالِا ىلِ مَّهَّبَرَاوَقَّتَا نِي دَّالَا قِي سَوَا  
نِي دِلَاخَا هُوْلُخُدَا فَا مَّتَبَطَا مَّكِّيَلَعَا مَّالَسَا هَتَنَزَا

**«Ва Роббларига тақво қилганлар жаннатга гуруҳ-гуруҳ қилиб олиб борилдилар. Унга етиб келган чоғларида, унинг эшиклари очилди ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда кириңг!» дедилар», деган (73-оят).**

Ушбу ояти каримадаги жаннатнинг қўриқчилари фаришталардан бўлиб, улар «хазана» деб аталади.

Аллоҳ таоло Раъд сурасида:

نُوْلُخُدَيَا ؕ كَيْئَا لَمَلَاوَا مَّهَتَايَّرُدُو مَّوَجَاوَزَاوَا مَّهَيَّابَا نَمَحَلَصَا نَمَوَا هَانُوْلُخُدَيَا نَدَعُتَا نَجَا  
بَابَلُّكَا نَمَّهْيَلَعَا

رَادَلَا ىبْقُعَا مَّعَنَفَا مَّتَرَبَصَا مَبَا مَّكِّيَلَعَا مَّالَسَا

**«Адн жаннатларидир. Унга улар ва уларнинг оталари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан солиҳ бўлганлари кирарлар. Сўнгра уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб: «Сабр қилганингиз учун сизларга салом бўлсин! Оқибат диёри қандай ҳам яхши!» (дерлар) (23-24-оятлар).**

«Адн» жаннатнинг номларидан бўлиб, луғатда «истиқомат жойи, истиқрор ўрни» маъноларини англатади. Демак, мазкур ақл эгалари – мўмин-мусулмонлар ўша сифатларни ўзларида мужассам этиб, бу дунёда уларга амал қилиб яшаб ўтганлари учун қиёматда Адн жаннатларига кирадилар.

«Унга улар ва уларнинг оталари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан солиҳ бўлганлари кирарлар».

Мазкур жаннатга ҳузур-ҳаловатлари янада тўлиқ бўлсин учун ота-оналари, эр ёки хотинлари ва ўғил-қизлари ҳам қўшилиб кирадилар. Аммо шarti бор. Ўша ота-оналар, жуфти ҳалоллар ва зурриётлар аҳли солиҳ бўлишлари керак. Аҳли солиҳ бўлмасалар, кира олмайдилар. Адн жаннатлари катта неъмат, унга кирганлар улuf мақомга эришадилар. Унда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган неъматлардан баҳраманд бўладилар.

Бунинг устига «уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб: «Сабр қилганингиз учун сизларга салом бўлсин! Оқибат диёри қандай ҳам яхши!» (дерлар).

Бу эса уларнинг ҳузурларини янада зиёда қилади. Инсон бу дунёда ҳам бирор неъматга эришса, ҳузурланади. Аммо яқин кишилар уни ўша неъмат ила муборакбод этсалар, ҳузур янгиланади ва янада зиёда бўлади. Уларга фаришталар салом бериб, хизмат қилиб турсалар, нур устига нур бўлади.

4. Фаришталар дўзах ишларини ва унинг аҳлини жазолаш вазифасини ҳам бажарадилар.

Аллоҳ таоло Муддассир сурасида:

رَدَّتْ اَلْوَيْقُوتُ اَلرَّشَبَلَّ اَلْعَاقِلُ  
رَشَعَةَ عَسَتْ اَهْلِي لَع  
اَوْرَفَكَ نِي دَلَّ اَلْعَنْتِ اَلْمُتَدِّعِ اَلْاِنْ لَعَجِ اَمَّوَّةَ كَيْ اَلْمِ اَلْاِنْ لَعَجِ اَمَّو  
اَوْتُ وَا نِي دَلَّ اَبَاتَرِي اَلْوَا نِي اَمِّي اُوْنَمَ اَنِي دَلَّ اَدَا زِي وَ بَاتُ كَلَّ اُوْتُ وَا نِي دَلَّ اَنْ قِي تَسِي ل  
اَدَّوْبُ اَللَّ اَدَا رَا اَذَامَ نُوْرَفَا كَلَّ اُوْضَرَّم مَهَبُ لُق قِي نِي دَلَّ اَلْوُقِي لَو وَ نُوْنُ مُمُ ل اَو بَاتُ كَلَّ ا  
يَه اَمَّو وَهُ اَلْاَلُّ بَرَّ دُوْنُ جُ مَلْعِي اَمَّو اَشِي نَمِّي دَهِي وَ اَشِي نَمِّي اَللَّ اَلْضِي كَلَّ دَكَّ اَلْتَم  
رَشَبَلَّ اَلْعَاقِلُ اَلْاَلَّ

**«У боқий қолдирмас ва тарк ҳам қилмас. У терини кўп куйдирувчидир. Унинг устида ўн тўққизта (фаришта) бор. Олов соҳибларини фақат фаришталар қилдик. Уларнинг ададини фақат кофирларни синаш учун қилдик. Китоб берилганлар аниқ ишонч ҳосил қилишлари учун. Ва иймонлиларнинг иймони зиёда бўлиши учун. Китоб берилганлар ва мўминлар шак-шубҳа қилмасликлари учун ва қалбларида касали борлар ва кофирлар «Аллоҳ бу билан нима мисолни ирода қилмоқчи?» дейишлари учун. Аллоҳ ана шундай қилиб, хоҳлаганини адаштирур ва хоҳлаганини ҳидоятга солур. Роббингнинг лашкарларини Ўзидан бошқа ҳеч ким билмас. Ва у (дўзах) башар учун эслатмадан ўзга ҳеч нарса эмас», деган (28-31-оятлар).**

Ушбу ояти карималарда Аллоҳ таоло нима учун дўзахнинг хизматкорлари фаришталардан бўлгани ва нима учун уларнинг сони ўн тўққизта бўлганини баён қилиб бермоқда.

Чунки кофирлар томонидан бу масалада кўтарилган шов-шув шуни тақозо қилган. Шунинг учун ҳам қисқа-қисқа Маккий оятлар ичида биргина ушбу узун оят келмоқда.

Аллоҳ таоло бу тушунтиришни бошлаб, оятнинг аввалида: «Олов соҳибларини фақат фаришталар қилдик. Уларнинг ададини фақат кофирларни синаш учун қилдик», дейди.

Бу биринчи ҳикмат.

Дўзах соҳибларининг ўн тўққизта фаришта бўлиши кофирларни фитнага солади. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам. Абу Жаҳл «Сизлардан юз киши улардан биттасини ушлаб олиб, дўзахдан қутулиб чиқишдан ожизмисиз?» деб масхара қилиб кулди. Яна шунга ўхшаш бошқа гап-сўзлар бўлди. Умуман, ушбу масала кофирларнинг ўз куфрларида чуқур кетишлари учун фитна бўлди.

Дўзах соҳибларини ўн тўққизта фаришта қилишнинг иккинчи ҳикмати:

«Китоб берилганлар аниқ ишонч ҳосил қилишлари учун».

Яъни яҳудий ва насронийлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ Пайғамбар эканликларига ва Қуръони Карим ҳақ китоб эканига тўла ишонч ҳосил қилишлари учун. Чунки айти шу гаплар аҳли китобларга нозил қилинган илоҳий китобларда ҳам бор эди. Ўша гапларнинг Қуръони

Каримда ҳам келиши уларнинг ишончларини орттирар эди.

Дўзах соҳибларини ўн тўққизта фаришта қилишнинг учинчи ҳикмати:

«Иймонлиларнинг иймони зиёда бўлиши учун».

Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келтирган хабарлари содиқ экани Таврот ва Инжил томонидан ҳам тасдиқланганини билиб, мўмин-мусулмонларнинг иймонлари яна ҳам зиёда бўлади.

Дўзах соҳибларини ўн тўққизта фаришта қилишнинг тўртинчи ҳикмати:

«Китоб берилганлар ва мўминлар шак-шубҳа қилмасликлари учун».

Бу олдинги гапларни таъкидлаш учундир. Яъни аҳли китоблар ва мўминлар дўзах соҳибларининг ўн тўққизта фаришта экани ҳақидаги ишончларига ҳеч қандай шубҳа қилмасликлари учун.

Дўзах соҳибларини ўн тўққизта фаришта қилишнинг бешинчи ҳикмати:

«Қалбларида касали борлар ва кофирлар «Аллоҳ бу билан нима мисолни ирода қилмоқчи?» дейишлари учун».

**Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам. Мунофиқлар ва кофирлар худди шу гапни қайта-қайта айтдилар, айтмоқдалар.**

Ояти кариманинг сўнгида Аллоҳ таоло «**Аллоҳ ана шундай қилиб, хоҳлаганини адаштирур ва хоҳлаганини ҳидоятга солур**», дейди.

Дўзахнинг хизматини қилувчи фаришталар «забония» дейилади.

Давоми бор

**«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди**